



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVİY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Гавҳар Бекмурадовна Турсунова,
Самарқанд давлат тиббиёт университети тадқиқотчиси

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ
СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН
МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

For citation: Gavhar B. Tursunova, THE SYSTEM OF ADMINISTRATIVE AND POLITICAL MANAGEMENT CARRIED OUT BY THE COLONIAL ADMINISTRATION IN THE PROCESS OF RESETTLEMENT POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN THE SYRDARYA REGION (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - BEGINNING OF THE XX CENTURY). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.57-69

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680656>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Россия империясининг ўлкани бошқариш соҳасида амалга оширган сиёсатидан кўзланган асосий мақсад ўлкада империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, мустамлака бошқарувига яқинлаштириш, унга мос маблағ сарфлаб, кўпроқ фойда олиш, ўлкада мустамлакачилар манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш, бу ҳудуддан келгусида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш бўлганлиги ёритилган. Подшо Россияси томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган маъмурий - ҳудудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб, у ҳақли равишда ҳарбий-бюрократик хусусиятга эга бўлганлиги кўрсатиб берилган. Чор Россиясининг маъмурий-сиёсий бошқарув тизими умумимперия тадбирларининг бир қисми бўлгани ҳолда улар манфаатларига хизмат қилган.

Калит сўзлар: Россия империяси, ўлка, мақсад, ҳукмрон, мустамлака, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий мақсад, Подшо Россияси, Туркистон ўлкаси, маъмурий - ҳудудий бўлиниш, табиий, тарихий иқтисодий ва миллий хусусиятлар, ҳарбий-бюрократик, маъмурий-сиёсий бошқарув, умумимперия тадбирлари.

Гавҳар Бекмурадовна Турсунова,
научный сотрудник Самаркандского государственного
медицинского университета

**СИСТЕМА АДМИНИСТРАТИВНО-ПОЛИТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ,
ОСУЩЕСТВЛЯЕМАЯ КОЛОНИАЛЬНОЙ АДМИНИСТРАЦИЕЙ В ПРОЦЕССЕ
ПЕРЕСЕЛЕНЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В
СЫРДАРЬИНСКУЮ ОБЛАСТЬ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX ВЕКА - НАЧАЛО XX
ВЕКА)**

АННОТАЦИЯ

В данной статье поясняется, что основной целью политики Российской империи в области управления страной было укрепление господства империи в стране, сближение ее с колониальной администрацией, расходование соответствующих средств и получение большей прибыли, полное защищать интересы колонистов в стране, а в будущем использовать эту территорию в экономических, политических и военных целях. В административно-территориальном делении Туркестанской области, проведенном царской Россией, были учтены природные, исторические, экономические и национальные особенности страны, показано, что оно носило военно-бюрократический характер. Административно-политическая система управления царской России служила их интересам как часть общего имперского устройства.

Ключевые слова: Российская империя, страна, цель, правитель, колония, экономическая, политическая, военная цель, царская Россия, Туркестанская область, административно-территориальное деление, природные, исторические, экономические и национальные особенности, военно-бюрократическое, административно-политическое управление, общеимперские события.

Gavhar B. Tursunova,

Researcher of Samarkand State Medical University

THE SYSTEM OF ADMINISTRATIVE AND POLITICAL MANAGEMENT CARRIED OUT BY THE COLONIAL ADMINISTRATION IN THE PROCESS OF RESETTLEMENT POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN THE SYRDARYA REGION (SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - BEGINNING OF THE XX CENTURY)

ABSTRACT

This article explains that the main goal of the policy of the Russian Empire in the field of governing the country was to strengthen the dominance of the empire in the country, to bring it closer to the colonial administration, to spend the corresponding funds and get more profit, to fully protect the interests of the colonists in the country, and in the future to use this territory in economic, political and military purposes. In the administrative-territorial division of the Turkestan region, carried out by tsarist Russia, the natural, historical, economic and national features of the country were taken into account, it is shown that it was of a military-bureaucratic nature. The administrative and political system of government of tsarist Russia served their interests as part of the general imperial structure.

Index Terms: Russian Empire, country, goal, ruler, colony, economic, political, military goal, tsarist Russia, Turkestan region, administrative-territorial division, natural, historical, economic and national features, military-bureaucratic, administrative-political management, general events.

1. Долзарблиги:

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан босиб олинган Ўрта Осиё худудларида яшовчи халқларнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётидаги кескин трансформацион ўзгаришлар юз берди. Бу даврда подшо Россиясининг империалистик сиёсати ўлка худудини босиб олиш учун ўз мустамлакасига айлантириши билан бирга маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавиятига ҳам катта зарар етказди. Бу ўзгаришлар ўзбек давлатчилигининг маъмурий худудий бошқарув соҳасини ҳам ўз ичига қамраб олди. Чунки “Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган барча мустамлакачилик сиёсати, унинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий-стратегик режасига бўйсинган эди”[1]. Мавзунинг ўрганилиши Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини кўрсатиб беради.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар жумладан, тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, манбаларга танқидий ёндашув, тарихий жараёнларга давр нуқтаи назардан холисона баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган

бўлиб, унда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясининг Сирдарё вилоятига аҳолини кўчириш сиёсати жараёнида мустамлака маъмурияти олиб борган маъмурий-сиёсий бошқарув тизимининг мустамлакасилик моҳияти ёритиб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борган босқинчилик сиёсати давом эттирилиши натижасида мустамлакага айлантирилган ҳудудлар кенгайиб борди. Босиб олинган ҳудудларда империя ҳукмронлигини ўрнатиш, бошқариш, уларни қўлдан чиқармаслик учун энг аввало мустамлакачиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий қилиш зарур бўлган. Бошқарув тизими подшоҳ ҳукумати учун жуда муҳим ва мустамлакачилик сиёсатини асосий таянч ҳисобланган. Шунинг учун ушбу ҳудудларда бошқариш тартибларининг қандай бўлиши масаласи жуда кўп ҳамда узоқ вақт империя ҳукмрон доираларида турли соҳа вакиллари иштирокида муҳокама қилинган. Ушбу масалани ҳар қилишда эҳтиёткорлик билан узоқни ўйлаб иш кўриш, ҳеч нимада таваккал қилмаслик томоғилига таянган ҳолда иш олиб борилган.

Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский таъкидлаганидек: “Туркистон ўлкаси бошқа ўлкаларга нисбатан тарихий ўтмиши, этнографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида эътибор берилишини талаб қилади”[2]. Чунки “Рус ислоҳотчилари ёввойи ўлкани эмас, балки кўҳна ва бой тарихга эга дунё, ажойиб маърифатпарвар, файласуф, олимларни, шоиру адибларни берган табиий жуғрофик жиҳатдан ҳам Аллоҳнинг марҳамати ёғилиб турадиган мамлакатни босиб олган эдилар”[3].

Россия империяси томонидан 1865-йилда Тошкент шаҳар босиб олингандан кейин, Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида ҳарбийлаштирилган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган Туркистон вилояти ташкил қилинади. 1865-йил 2 мартда Россия Сенати қарори билан Туркистон вилоятига ҳарбий кўшин қўмондони, генерал-майор М.Г. Черняев (1828-1898) губернатор қилиб тайинланди[4].

1865-йил 6 августда қабул қилинган Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисида муваққат низомга мувофиқ ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳарбий губернатор қўлида мужассамлаштирилди[5]. Мазкур Муваққат низом асосида Туркистон вилоятида “Ҳарбий-халқ” номида бошқарув тартиблари ўрнатилади. Вилоят бўлимларга бўлиниб, уларни бўлим бошлиқлари бошқаради. Бўлим бошлиғи бир вақтнинг ўзида бўлим ҳарбий комендант ҳам ҳисобланган. Бўлим бошлиқларига ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи рус амалдорларидан тайинланадиган бошқарувчилар бўйсунган. Мустамлака даврининг дастлабки даврида ўлкада энг кичик аҳамиятига эга бўлган бошқарув ҳам ҳарбий бошлиқлар қўлида бўлган[6]. Туркистон вилоятида вақтинча жорий қилинган бошқарув тартиблари Россия империясининг Ўрта Осиёдаги навбатдаги ҳарбий истилочилик режаларини амалга оширишдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у туман “Ҳарбий-халқ” бошқаруви бўлган[7].

1865-йилги “Муваққат Низом”га мувофиқ Туркистон вилояти губернатори, “бий, маноп, оқсоқол, раис ва қози лавозимидаги туб жой аҳолиси вакиллари эгаллаб турган лавозимига тасдиқлаш, бўшатиш, алмаштириш ваколатига эга бўлган”[8].

“Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги “Муваққат Низом” га ўтроқ аҳоли учун қозилик судлари кўчманчи аҳоли учун эса бийлик судлари сақланиб қолинган. Қозикалон лавозими тугатилиб, қозиларнинг ваколатлари қисқартирилди. Уларнинг асосий ваколатлари мустамлакачи суд идораси ҳисобланган рус судларига олиб борилган. Бу ҳол ерли аҳолининг анъанавий шаклланган ҳаёт тарзи билан мустамлака маъмурияти томонидан жорий этилган бошқарув тизими ўртасидаги кескин зиддиятларни келтириб чиқарган.

1865-йилги “Муваққат Низом” да ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи бошқарувчининг вазифаси жойларда тенгликни сақлаш, қарвонлар хавфсизлигини таъминлаш, ўрмон, сув иншоатларини кўриқлаш, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги жанжалларни ҳал қилиш, аҳолини солиқ тўлаш ва мажбуриятларини белгиланиши уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ва натижаларни бўлим бошлиғига етказиш. Ерлик аҳоли устидан назорат қилувчи бошлиқлар уезд ишлари суд қарорлари бўйича аҳоли шикоятларини қабул қилиш, халқ судлари фаолиятини назорат қилган.

Содир этилган жиноят ишларида рус аҳолиси вакиллари иштирок этган бўлса, бундай ишлар махсус ҳарбий суд комиссиялари томонидан кўриб чиқилган[9].

Туб жойли аҳолининг ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи қисмида суд ишлари бўйича қози чиқарган ҳукмлар, ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланиши керак бўлиб, қозиларнинг чиқарган ҳукмларини ҳарбий губернатор ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган[10]. Кўчманчи аҳолининг бий судлари, ерлик аҳоли бошқарувчилари рухсати билан ўтказилган. Бий судларида ишлар одат қоидалар асосида кўрилган.

Россия империяси Ўрта Осиёдаги мустамлакага айлантирилган ҳудудларда бошқарув тизимини ҳар томонлама империя манфаатларига хизмат қилдиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун 1865-йилда Россия императори Александр II (1818-1881) фармони билан Оренбург, Ғарбий Сибир генерал-губернаторликлари ва Туркистон вилояти аҳолисининг турмуш тарзи, маҳаллий шарт-шароитларини ўрганиб чиқиш учун “Дашт комиссияси” тузилиб, Ўрта Осиёга юборилади. “Дашт комиссияси”нинг зиммасига Туркистонда бошқарув тузилиши қайта ташкил қилиш масаласига оид маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилади[11]. Комиссия фаолиятининг асосий вазифаси ўлка бошқарув тузилишини такомиллаштиришга қаратилган эди.

1866-йилда М.Г.Черняев Туркистондан Петербургга чақириб олиниб, 1866-йил 25-мартдан 1866-йил декабргача Туркистонни Д.И. Романовский бошқаради[12].

Туркистон вилоятининг Оренбург генерал-губернаторлик таркибида бўлиши вақт ўтиши билан турли муаммоларни келтириб чиқарди. Унинг узоқда жойлашганлиги, вилоят маъмурияти вакиллари сонининг камлиги генерал-губернаторлик билан боғланишга, унинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажаришга салбий таъсир кўрсатаётганлиги учун империя ҳукмрон доиралари ўртасида Туркистон вилояти Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида ажратиш масаласини ҳал қилиш кун тартибидаги асосий масалага айланди.

Ўрта Осиё ҳудудларидаги ҳарбий истилочилик режаларини амалга ошириш билан биргаликда доимий бошқарув тизими тартиблари ишлаб чиқилиб, улар амалга жорий қилиб борилган. Ўлка бошқаруви соҳасида олиб борилган сиёсатнинг моҳиятини Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский “Бир оз вақт ўтгандан сўнг маҳаллий бошқарувга фақат рус тилини биладиган шахслар қўйилиши, таржимонлар эса имкон борича фақат рус миллатига мансуб кишилардан бўлиши керак”[13] деб ифодаланган.

1867-йили Петербургда Туркистон бошқаруви бўйича тайёрланган “Низом” лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокама қилиниб, унда В. Романовский, Н. А. Крижановский, М.Г. Черняевлар ҳам иштирок этади. Ушбу муҳокамада Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Фақат Оренбург генерал-губернатори Н.А. Крижановский (1818-1888) қарши чиқади[14]. 1867-йил 11-апрелда Александр II томонидан комиссия таклифи маъқулланади. 1867-йил 11-июлда жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисида фармон эълон қилинади К.П. Кауфман (1818-1882) Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори этиб тайинланади[15].

К.П. Кауфман 13 йил Кавказдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, маъмурий бошқарув соҳасида фақат 1865-1866 йилларда шимоли-ҳарбий ўлкани бошқарган холос. 1867 йил 7-ноябрда К.П. Кауфман Тошкентга Оренбург, Еттисув орқали тантанали равишда кириб келади[16].

Туркистонда 1867-йилдан 1917 йилгача 15 та генерал-губернатор ҳукмронлик қилган: К.П. Кауфман (1867-1882), М.Г. Черняев (1882-1884), Н.О. Розенбах(1884-1888), А.Б. Вревский (1889-1898), С.М. Духовский (1898-1901), Н.А. Иванов (1901-1904), П.Н. Тевяшов (1904-1905), Д.И. Суботич (1906), Н.И. Гродеков (1907-1908), П.И. Мищенко (1909), А.Б. Самсанов (1909-1913), Флуг, Мартсон ва Ерофеевлар (1913-1916), А.Н. Куропоткин (1916-1917 йил 31-март).

Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон вилоят ва Семипалатинск вилоятининг жанубий қисмини ўз ичига олган. Бунда Россия империясининг бошқа губерния

бошлиқларидан фарқли равишда Туркистон генерал-губернаторига жуда катта ҳуқуқлар берилади. Туркистон генерал-губернатори “Низом” лойиҳасида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари “ўлкани бошқариш учун керакли ва зарур деб ҳисобланган барча тадбирларни маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқи” га эга бўлган.

1867- йилги “Низом” лойиҳаси Министрлар Кенгаши томонидан 3 йил муддатга синов тариқасида вақтинча жорий қилиш кўрсатилади[17]. Ушбу “Низом” лойиҳасида Туркистон ўлкасининг Россия ҳарбий вазирлиги таркибида бўлиши, ўлка ҳарбий ҳокимият орқали бошқарилиши, генерал-губернатор ўлкада жойлашган қўмондонлик қилиши, бошқарувнинг куйи йиғилишига ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши ўлка бошқарувини Россия империясидаги мавжуд бошқарув тизимига яқинлаштириб, кейинчалик ўлкани империянинг бир қисмига айлантириш ўлканинг маъмурий-худудий бўлинишида эса империянинг сиёсий, иқтисодий ва стратегик мақсадларидан келиб чиқилиши кўрсатиб ўтилган.

Дастлаб Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий жиҳатидан икки вилоят: Сирдарё (маркази-Тошкент) ва Еттисув (маркази-Верный)[18] вилоятларига бўлинган[19]. Сирдарё вилоятининг тегишли ҳудуд ва Қўқон хонлигининг босиб олинган шимолий худудлари кирган. Еттисув вилояти эса Семипалатинск вилоятининг Сергиополь, Капаль ва Оловатск округи ерлари ва собиқ Туркистон вилоятининг бир қисмидан иборат ҳолда ташкил қилинади.

Вилоят маъмурий жиҳатдан Казалинск, Перовск, Туркистон, Чимкент Авлиёота, Тошкент, Хўжанд, Жиззах уездларига бўлинган. Еттисув вилояти эса Сергиополь, Капаль, Верный, Иссиқкул, Тўқмоқ уездларига бўлинган[20].

Кейинчалик босиб олинган худудлар ҳисобига қўшилган тарзда қуйидаги маъмурий-худудий бирликлар вужудга келган. 1868 йилда Бухоро амирлигига қарашли босиб олинган ерларда Зарафшон округи (маркази-Самарқанд) 1874-йилда Амударё бўлими (маркази- Петро-Александровски ҳозирги Тўрткул), 1876 йилда Фарғона вилояти (маркази- Янги Марғилон, кейинчалик Скобелев, ҳозирги Фарғона шаҳри) ташкил қилинган.

Россия империясининг Ўрта Осиёдаги олиб борган ҳарбий ҳаракатлари натижасида мустамлакага айлантирилган худудлар кенгайиб борган. Жумладан, 1867 йилда, Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори К.П. Фон Кауфман даврида унинг худуди 15,270 кв.мил[21] бўлган бўлса, 1868 йилда 200 кв.мил майдонга эга Зарафшон округи ерлари, 1870 йилда 266 кв.мил майдонга эга Зарафшон дарёсининг юқори қирғоғидаги бекликлар худуди, 1871-йилда 1,224 кв.мил майдонга эга Ғулча (Ғулча) 1873 йил 1,920 кв.мил майдонга эга Хива хонлигига қарашли бўлган ерлар, 1875-1876 йилларда Қўқон хонлигининг 1770 кв.мил ерларидан иборат жами 5,380 кв.мил бўлган боқинчилик йўли билан қўшиб олинган. Кейинчалик босиб олинган ерлар билан Туркистон генерал-губернаторлиги худуди 20,650 кв. мил ни ташкил этди. Аҳолиси эса Фон К.П. Кауфман ҳукмронлигининг бошида 1060000 киши бўлган бўлса, унинг ҳукмронлиги охирида 3 млн кишига етган (Ғулча аҳолисидан ташқари) Туркистондаги рус аҳоли эса 24 минг кишидан 65 минг кишига етган (ҳарбий қўшинлардан ташқари)[22].

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидага кирган вилоятларни ҳарбий губернаторлар бошқарган. Кавказорти вилоятини вилоят бошлиғи (начальник), Амударё бўлимини бўлим бошлиғи бошқариб, у орқали Россиянинг Хива хонлиги билан муносабатлари олиб борилган. Шунинг учун Амударё бўлими бошлиғига уезд бошлиқларига қараганда қайта ҳуқуқлар киритилган. Помирни вилоят ҳарбий губернаторига тўғридан-тўғридан бўйсунувчи Помир отряди бошлиғи бошқарган. Вилоят уездларини рус ҳарбий офицерлар бошқарган. Уездлар вилоятлар, оқсоқолликлар ва овулларга бўлинган[23].

Ҳар бир босиб олинган ерларда империянинг маъмурий худудий бирлашмалари, ҳарбий, маъмурий, бошқарув институтлари ташкил қилиниб борилган. 1867 йил 4 декабрда Сирдарё вилояти, 1898 йил 19 февралда Еттисув вилояти бошқармалари ташкил қилинади.

Туркистон генерал-губернаторлиги XIX аср охирида маъмурий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Каспий, Фарғона вилоятлари ва Амударё бўлимларидан иборат бўлган. Вилоят уездларга Зарафшон округи бўлимларга, Амударё бўлими эса участкаларга бўлинган.

Сирдарё вилояти 6 уездга ва Амударё бўлимига бўлинган. Авлиёота уезд майдони 67800 кв. верст[24], Казалинск (казоли)уезди 59500 кв. верст, Кураминск (курама) уезди 32100 верст, Перовск уезд-65950 кв верст, Туркмистон уезди 79550 кв верст, Чимкент уезди 51250 кв. верст, жами-356 150 кв верст бўлган[25].

Сирдарё вилоятининг аҳолиси 1084985 кишидан иборат бўлиб, унда руслар 15000 кишини ўтроқ аҳоли 426600 кишини, кўчманчи аҳоли 658385 кишини ташкил қилган[26]. Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлиги маркази сифатида алоҳида маъмурий бирликка ажратилган.

Фарғона вилоятининг майдони 125470 кв. верст аҳолиси 1,572.214 киши бўлган. Фарғона вилояти Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездларига бўлинган. Фарғона вилояти таркибидаги Қўқон уездаги майдони 12894 кв. верст аҳолиси 360,267 киши, Марғилон уездининг майдони 5089 кв. верст аҳолиси 321,860 киши Андижон уезди 21648 кв. верст аҳолиси 739,514 киши, Наманган уездининг майдони 26978 кв. верст аҳолиси 763,789 киши. Ўш уездининг майдони 9523743 кв. верст аҳолиси 161640 киши бўлган[27].

Зарафшон округи дастлаб Самарқанд ва Каттакўрғон бўлимларига бўлинган. 1871 йилда уларга янги маъмурий-худудий бирлик, тоғли туманлар (Бухоро амирлигининг Матчо беклиги) қўшилган.

Закаспий вилояти Манғишлоқ, Красноводск, Ашхабод, Тажан ва Марв уездларига бўлинган[28].

Самарқанд вилояти 1887 йилда Зарафшон округи ўрнида ташкил қилинди. Вилоят Самарқанд, Каттакўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларига бўлинган.

Хива хонлигидан ажратиб олинган ҳудудда ташкил қилинган Амударё бўлими Чимбой ва Шўрахон участкаларига бўлинган[29].

Туркистон ўлкасидаги вилоятларнинг ҳудудлари жуда қатта бўлиб, уларнинг майдони Россиянинг Европа қисмидаги губернияларнинг ҳудудидан катта бўлган. Самарқанд вилоятининг майдони 2000 кв. верст бўлиб, у Саратов губернияси ҳудудидан катта ҳисобланган. Сирдарё вилоятининг ҳудуди Москва губернияси ҳудудидан 14 марта, Еттисув вилояти ҳудуди Прислик губернияси ҳудудидан 2 марта, Каспийорти вилояти ҳудуди Россиянинг Европа қисмидан 1/8 марта катта, Австрия-Венгрия ҳудуди билан қарийиб тенг бўлган[30].

Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш биринчи бошқарув соҳасида катта ўзгаришларни амалга оширмайди. Юқори органлар назоратида бўлган қуйи бошқарув органлари, солиқ тизими сақлаб қолинган[31].

Қуйи бошқарувнинг сақлаб қолинишига сабаб, ерлик аҳолининг анъанавий турмуш тарзига катта ўзгартиришлар киритиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши, янги босиб олинган ерларда ҳам қаршилиқ ва норозилик ҳаракатлари давом этаётганлиги, бошқарув тизимида фаолият олиб борувчи одамлари бўлмагани маҳаллий шароитни тўлиқ билмаслик анъанавий бошқарув тизимини маълум муддат сақлаб қолишга мажбур қилган. Қуйи бошқарув тизимини сақлаб қолишнинг ўлка маъмуриятига империя манфаатлари учун хизмат қиладиган ерлик аҳоли вакилларидан ўзларига ишончли кишиларни топиш муаммосини ҳал қилиш каби вазифалар турар эди. Шунинг учун бу муаммони ҳал қилишда империя ҳукумати томонидан Туркистонда ҳукмронликнинг дастлабки вақтидаёқ чиқарилган сайлов тизими жорий қилинади. Қуйи бошқарувдаги ерлик аҳоли вакилларининг фаолиятлари, жорий қилинган тартиб-қоидаларининг амалий натижалари расмий равишда кузатилиб, таҳлил қилиб борилган. Ушбу масала бўйича Туркистонда фаолият олиб бораётган ўлка маъмурияти вакилларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўрганиб борилган.

Туркистонда маъмурий бошқарув бўйича турли тартиб-қоидалар жорий қилиб борилиб, уларнинг кўпчилиги синов-тажриба кўринишида вақтинча татбиқ қилинган. Кўплаб

тартиблар ўзини оқламагани учун қисқа вақт амал қилгач, бекор қилиб борилган. Туркистон ўлкасидаги жорий қилинган бундай синов-тажриба кўринишидаги тартиб-қоидаларнинг аксариятини муаллифи Туркистон ўлкасини генерал-губернатори Фон К.П. Кауфман бўлган. Фон К.П. Кауфман Россия империясининг Туркистон мустамлакачилик сиёсатининг бир вақтнинг ўзида ҳам назарий асосчиси, ҳам амалий ижрочиси ҳисобланган. Чунки унга ўлкада олиб борадиган фаолият бўйича катта ҳуқуқлар берилган эди. Фон К.П. Кауфман бу ҳуқуқларидан ўз ҳукмронлиги даврида жуда ҳам “унумли” ва керагидан ҳам ортиқ даражада фойдаланган. Бундан ташқари фон К.П. Кауфман ўлкада “Низом” лойиҳаларида умуман кўрсатилмаган тартибларни ҳам жорий қилган. Жумладан Қурама ва Хўжанд уездларида “Низом” да кўрсатилмаган хўжалик бошқарувларини ташкил қилади[32]. Ушбу хўжалик бошқарувлари ўзида бир неча вилоятларни бирлаштирган. Лекин, ташкил қилинган бундай хўжалик бошқарувлари бир оз вақт ўтгач суистеъмолчилик кўпайиб кетгани учун деб, аниқроғи синовдан ўтмаганлиги сабабли 1877 йилда тугатилиб унинг фаолияти уезд ва бошқарувига қўшиб юборилади.

К.П. Фон Кауфман томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги узоқ йиллар давомида 1867-йилги қонун кўрсатмасига эга бўлмаган “Низом” лойиҳаси тартиблари асосида бошқарилган. Бунга асосий сабаб ушбу тартиблар Туркистонда К.П. Фон Кауфман учун ўлкада тўлиқ ҳукмронлик қилишига империя манфаатларини ҳимоя қилишига тўлиқ жавоб берганлигидир. Шунинг учун ҳам “ярим подшо” номини олган К.П. Фон Кауфман “Низом” лойиҳасида белгиланган ҳуқуқларнинг чекланишини доимий қонун кўринишидаги “Низом” Тайёрланиб тасдиқланишига шошилмаган, аниқроғи хоҳламаган.

1868 йилда Министрлар кенгаши томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги 2 йил ичида янги “Низом” лойиҳасини тайёрлаб тақдим қилиниши тўғрисида кўрсатма берилган[33]. Ниҳоят, 1871 йилда К.П. Фон Кауфман раҳбарлигида Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида “Низом” лойиҳаси тайёрланади. Бироқ вазирлар кенгашида бўлиб ўтган муҳокамада генерал-губернаторга катта ҳуқуқлар бериб юборилган деб ушбу лойиҳа тасдиқланмайди. 1873 йилда “Низом” лойиҳаси қайта ишлаб чиқилиб, вазирлар муҳокамасига тақдим этилади. Лойиҳа Россия ички ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган комиссия томонидан кўриб чиқилиб, унда камчиликлар мавжудлиги кўрсатилади. Бундан ташқари “Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат назорати томонидан ушбу “Низом” лойиҳаси қониқарсиз, ер масаласи тартиблари эса сиёсий жиҳатдан хавфли[34] деб кўрсатилади. Бу лойиҳа ҳам 1874-йилда тасдиқланмасдан қайтариб юборилади. Лекин шунга қарамадан, Министрлар Кенгаши томонидан камчиликлар мавжудлиги сабабли тасдиқланмасдан қайтарилган ушбу “Низом” лойиҳасидаги тартиблар 1876-йилда ташкил қилинган Фарғона вилоятида жорий қилинади.

Туркистон ўлкасида тафтиш олиб бродан Ф.К. Гирс 1873-йилги “Низом” лойиҳаси бўйича солиқ тартиблари марказий муассасалар томонидан маъқулланмаган ва ҳуқуқат томонидан тасдиқланмаган ҳолда жорий қилинган [35] дейди.

1881-йилда Харбий вазирлик томонидан Туркистон ўлка бошқаруви бўйича янги “Низом” лойиҳасини тақдим этиш талаб қилинади[36]. Бироқ янги “Низом” лойиҳасини тайёрлаш К.П. Кауфман вафот этганлиги учун уни ўрнига генерал-губернатор (1881-1882) қилиб тайинланган Г.А. Кольпаковский зиммасига тушади.

Г.А. Кольпаковский генерал-губернатор қилиб тайинланган йилнинг ўзида ҳисоб бўйича учинчи “Низом” лойиҳасини тайёрлайди. Ушбу “Низом” лойиҳаси асосан К.П. Кауфман раҳбарлигида тайёрланган 1873-йилдаги “Низом” лойиҳаси қоидалари асосида ишлаб чиқилади. Подшо ҳуқуқати томонидан мазкур “Низом” лойиҳаси генерал-адъютант М.В. Скобелев бошчилигида ташкил этилган комиссия кўриб чиқиши учун топширилади. Бироқ 1882-йилда М.В. Скобелевнинг тўсатдан сирли равишда вафот этиши оқибатида “Низом” лойиҳасини кўриб чиқиш ишлари охирига етмай қолади[37]. 1882-йил июлда Т.А. Кольпаковский Дашт генерал-губернаторлигига генерал-губернатор қилиб тайинланади. Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига эса М.Г. Черняев[38] тайинланади.

“Туркистанский курьер” газетасида эълон қилинган “Туркистонни забт этган М.Г. Черняев қизи билан суҳбат” номли мақоласида “Император Александр III тахтга ўтиргандан кейин шахсан ўзи М.Г. Черняев Туркистон генерал-губернатори қилиб тайинланган”[39] деб кўрсатилади.

Туркистон ўлкасига тайинланган янги генерал-губернатор генерал-лейтенант М.Г. Черняев 1882-йилда Туркистон ўлкасида тафтиш ўтказилишини сўрайди ва бу илтимос ҳукумат томонидан қондирилиб, ўлгага “Дашт комиссияси” нинг собиқ раиси, махфий маслаҳатчи Ф.П. Гирс бошчилигидаги тафтиш гуруҳи юборилади[40]. Бу гуруҳ зиммасига ҳукуматга Туркистон ўлкасидаги маъмурий бошқарув, суд, молиявий аҳвол, ўлкада белгиланган қонунларнинг ижро этилиши, уларга амал қилиниши (асосан 1867 йилдаги 11 июл “Низом” лойиҳаси ижроси), Туркистон генерал-губернаторлигининг ўлкадаги фаолиятини ўрганиб чиқиш ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги бошчилигида ўлка бошқаруви тўғрисидаги якуний “Низом” лойиҳасини тайёрлаш учун керакли маълумотларни тўплаш каби вазифалар юклатилади.

Туркистон ўлкасига генерал-губернатор қилиб, тайинланганда К.П. Фон Кауфман зиммасига “Ўлкада бошқарув тартибларини ўрнатиш, солиқларни жорий қилиш, алоқа тармоқларини куриш, маҳаллий бошқарув тизимини ташкил қилишдан иборат ташкилий вазифа; ўлкада “Низом” лойиҳаси бўйича маъмурий суд-молия тартибларини ўрнатиб, ташкилот ва мансабдор шахсларнинг олиб борадиган фаолиятлари аниқ белгилашдан иборат ижройи вазифалар юклатилган эди. К.П. Фон Кауфман ўз ҳукмронлиги даврида ўзига берилган ўлкада керак ва зарур деб ҳисобланган ишларни бажариш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ташкилий вазифасини амалга оширишда белгиланган ишларни олиб борган ва бунда жуда кўплаб хато-камчиликларга йўл қўйган. Лекин К.П. Кауфманнинг иккинчи босқичдаги ижро этиш вазифасини бажаришдаги йўл қўйган камчилик ва хатолари тафтиш комиссияси томонидан тўлиқ текширилиши лозимлиги[41] Ф.К.Гирс томонидан кўрсатилади. Ф.К.Гирс бошчилигидаги тафтиш комиссияси Туркистон ўлкасининг кўплаб уездларида бўлиб жойлардаги аҳвол билан шахсан ўзи ёки тафтиш гуруҳи аъзолари танишиб чиққан. Аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг таклифлари ўрганилган. Комиссия таркибида ички ишлар вазирлигидан Галдинский Россия императорининг Қашғардаги консули Петровский, Божхона департаменти вакили Езучевский, Новгород суди прокурори Дитлов каби турли соҳа вакиллари бўлган[42]. Ф.К.Гирс комиссияси тафтиш ишлари якунида маъмурий бошқарув, суд ва молия каби уч қисмдан иборат ҳисобот тайёрлаган. Комиссия томонидан тайёрланган тафтиш ҳисоботида “ўлкада қонун кўринишида бўлган 4 та “Низом” лойиҳаларига тегишли тартиб-қоидаларга амал қилинган”[43] лиги кўрсатилади. Жумладан Сирдарё вилоятида 1867-йил 11-июлдаги “Дашт комиссияси” тайёрлаган “Низом” лойиҳаси бўйича иш олиб борилган. Зарафшон округида эса К.П. Фон Кауфман томонидан 1868 йилда тайёрланган ва кейин бир неча маротаба ўзгартиришлар киритилган вақтинчалик қоидалар асосида, Амударё бўлимида 1874-йил 21-майда Туркистон генерал-губернатори томонидан тайёрланган вақтинчалик “Низом” лойиҳаси асосида иш олиб борилган, ер ишлари олиб борилган. Фарғона вилоятида маъмурий бошқарув ер ва солиқ ишлари эса 1867-йилда “Низом” лойиҳаси асосида олиб борилган. Ф.К.Гирс ўзининг олиб борган тафтиш ишлари натижасида таклиф қилган тавсияларида Туркистонга “Уезд бошлиқларини ҳарбийлардан эмас балки фуқаролардан ҳам сайлаш мумкин” дейди. Унинг таъкидлашича: “Уезд бошлиқларидан кўпчилиги фақат ҳарбий соҳани билганлари учун уларнинг маъмурий ва сиёсий фаолият юритишга қобилиятлари етмаган”. Туркистон ўлкаси бошқаруви бўйича навбатдаги “Низом” лойиҳаси 1886-йил 12-июн қабул қилинади[44]. 1886-йилги “Низом” бўйича Туркистон ўлкаси учта Козалинск, Перовск, Чимкент, Авлиёота, Тошкент уездлари ва Амударё бўлимларидан иборат Сирдарё вилояти; Кўқон, Марғилон Андижон, Наманган ва Ўш уездларидан иборат Фарғона вилояти; Самарқанд, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах уездларидан иборат Самарқанд вилоятлари бўлган. Ушбу “Низом”нинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бири бу ўлкада ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ишларини империя манфаатларига бўйсиндириш бўлган. Хусусан, ўтроқ аҳолига ерлар муддатсиз равишда ижарага берилган. Ҳар бир дехқонга мустамлакачи

хукумат томонидан ҳужжат берилган. Ҳар бир ҳужжатда ҳар бир дехқон ердан фойдаланаётганлиги учун давлатга қанча солиқ (рента) тўлаши ҳам кўрсатилган. 1886-йилги “Низом” лойиҳаси бўйича уездлар участкаларга бўлиниб, уларни участка приставлари бошқарган.

Туркистон ўлка бошқаруви бўйича 1886-йилги “Низом” лойиҳаси жорий қилингандан кейинги йилларда лойиҳага қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Туркистон ўлкасида ташкил қилинган ҳар бир маъмурий-худудий бирликларда ўзига хос равишда бошқарув тартиблари жорий қилиб борилган. Бунда уларнинг ўзига хос худудий жойлашуви иқтисодий, ҳарбий-стратегик мақсадлар, миллий ва этник тартиби ҳисобга олинади. Шу билан бирга “уларнинг бошқарувида давлат томонидан сарфланган маблағларни минимум даражага етказиш инobatга олинган”[45]. Туркистон ўлкасида маъмурий бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида Ўрта Осиёда асрлар давомида шаклланиб келган, ўтроқ кўчманчи аҳолининг диний ва маҳаллий хусусиятларини намoён қилган бошқарув тизими ўрнига империя тартиблари маҳаллий анъаналарга мос келмаган. Маъмурий-худудий бўлимнинг соҳасидаги тартиблар кўчманчи аҳолининг уруғчилик муносабатларини бузиб юборган. Уруғлар маъмурий бирлашмаларга янги овул волостларга бирлаштирилган. Қуйи бошқарув тизимларига қозилик суди, солиқ тизимларида жиддий ўзгартиришлар киритилмаган. Бунга сабаб мазкур соҳалардаги кескин ўзгаришлар ерлик аҳолининг норозичиликларини келтириб чиқариш ва ўлкада империя ҳукуматининг ҳукмронлигига зиён етказилишидан хавфсираш бўлган. Шунинг учун ҳам ўлкага юборилган кўплаб турли соҳа вакиллари, ўлкада иш олиб бораётган мустамлакачи ҳукумат аъзолари ўлка маъмуриятининг расмий ҳисоботлари, ўтказилган тафтишлар бошқарув соҳасига оид таклифлар, фикр-мулоҳазалари инobatга олинган. Жумладан, бу борада Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Д.М.Скобелевнинг бошқарув соҳаси бўйича “Ҳеч нимани таваккал қилмасдан, мақсад сари режа асосида тартибли бориш керак”[46]. деган фикрини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Мустамлакачи ҳукумат ерлик аҳоли аҳоли вакиллари иштирок этадиган бошқарув тизим қуйи бўғимини жорий қилишда жуда эҳтиёткорлик ва айёрлик билан иш олиб борган. Жорий қилинган маҳаллий бошқарув тизимида ерлик аҳолига бир қанча ён беришлар эвазига ўлкани назорат қилиш ва бошқарувни ўз қўлига олишга ҳаракат қилинган. Туркистонда империянинг маъмурий жараёнларидаги мавжуд қишлоқ жамоалари сингари фойдаланмоқчи бўлди, яъни уларни хўжалик жамоа бошқаруви типига айлантиришга ҳаракат қилди. Россия империяси ўлкани куч билан босиб олгандан сўнг, бу худудларда юритган сиёсати бўйича В.В. Бартольд (1868-1930) “Рус ҳукумати Туркистонда ўз сиёсатини зудлик билан ўтказиш имкониятига эга бўлсада, бироқ юқори маданиятга эришган, аҳолиси зич Туркистонни Сибир ўлкаси каби шунчаки босиб олиш мумкин эмас эди”[47] деб эътироф қилади.

Маҳаллий бошқарув лавозимларига сайлов тартиблари жорий қилиниб, сайланган шахс жамоани бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. Аввал ҳам айтиб ўтилгандек, мустамлакачи ҳукуматнинг бундай тартибдаги бошқарув тизимини жорий қилишдан асосий мақсад ўлка бошқарувини марказий губерниялар бошқарув тартибларига яқинлаштириш бўлган. Туркистон ўлкасининг маъмурий бўлимлари ва уни бошқариш бўйича олиб борилган сиёсат натижасида кўплаб салбий ҳолатлар вужудга келди.

Шундай қилиб, Россия империясининг “Буюк Петр даврида асос солинган катта истилочилик режалари” га кўра Ўрта Осиёнинг катта қисми Россия империясининг мустамлакасига айлантирилган[48].

Хулоса қилиб айтилганда, Туркистон ўлкаси подшо томонидан босиб олинган ўлкада мустамлакачиликка асосланган бошқарув тизими ўрнатилди. Россия империяси маъмурий-сиёсий тизимининг Туркистон ўлкаси худудида жорий қилинган мураккаб ва зиддиятли равишда кечди. Туркистон ўлкаси генерал губернаторлиги ва Санк-Петербургнинг олий сиёсий доиралари томонидан ишлаб чиқилган турли қонун кўринишларига эга бўлмаган “Низом” лойиҳаларида, ниҳоят, 1886-йил қонун кўринишидаги “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги низом” лойиҳасида ўлкани бошқариш тартиблари кўрсатилган, “Низом” лойиҳасига кўра, ўлка ҳокимияти “ҳарбий-ҳаёт бошқаруви” деб номланган. Туркистон

генерал-губернаторлиги вилоятлари (областлар), уездлар, бўлимлар (участкалар), волостлар, оксоколликлар ва овулларга бўлинади. Ўрта Осиё ҳокимликлари билан чегарадаги жойларда уездлар ўрнига уларга мос равишда ҳарбий-худудий бирликлар-округ бўлими ва районлар ташкил қилинган.

Юқорида баён қилинганларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўлкани бошқариш соҳасида амалга оширилган ишлардан асосий мақсад ўлкада империя ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, бошқарувига яқинлаштириш унга мос маблағ сарфлаб, кўпроқ фойда олиш, ўлкада мустамлакачилар манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш, бу худуддан келгусида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш бўлди.

Умуман олганда, подшо Россияси томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган маъмурий-худудий бўлинишда ўлканинг табиий, тарихий иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинади. У ҳақли равишда ҳарбий-бюрократик хусусиятга эга бўлиб, Россия империяси манфаатларига хизмат қилган ва умумимперия тадбирларининг бир қисми ҳисобланган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Фомченко А.П. Русские населения в Туркестанском. /края в конце XIX - начале XX вв. (Социально-экономический аспект) Т. : “Фан”, 1983. – С 34. (Fomchenko A.P. Russian population in Turkestan. /edges in the late XIX - early XX centuries. (Socio-economic aspect). – Т.: “FAN”, 1983. – P. 34.)
2. Духовский С.М. Всеподданнейшей доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерин Духовского //Ислам в Туркестана. – Т. : 1899. – С.9. (Dukhovsky S.M. The all-depth report of the Turkestan Governor General General from Infanterin Dukhovsky // Islam in Turkestan. – Т.: 1899. – P.9.)
3. Ахмеджанов Г.А. Россия империяси Марказий Осиёда. Т.: Ў.А.Б.Н.Т. Маркази. 2003. – Б. 11. (Akhmedjanov G.A. The Russian Empire is in Central Asia. Т.: О.А.В.Н.Т. Center. 2003. – P. 11.)
4. Глушенко Е.О. Герои империи. Портреты колониальных деятелей. -М.: XXI век – Согласие. 2000. – С. 400-410. (Glushenko E.O. Heroes of the empire. Portraits of colonial figures. -М.: XXI century -consent. 2000. – P . 400-410.)
5. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 25-рўйхат, 26-иш, 2-варақ.(UzR NA.I-1 fund, list 25, case 26, sheet 2.)
6. Отчет состояния Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частек. Ч.1. Администранная. Управление краем: Ч.2. – Суд. Финансы. -СПБ.: Б.4, 1888. – С.2. (The report of the Turkestan Territory, compiled by a senator, secret adviser to Girs, sent to the revision of the region for the highest command. In 2 often. Part 1. Administrative. Office of the region: Part 2. - Court. Finance. -SPB: B.4, 1888. – P.2.)
7. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 25-рўйхат, 26-иш, 2-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 25, case 26, sheet 2.)
8. Польное собранные законов Российской империи. 1865. СПб. 1867. – С. 880. (Polish collected laws of the Russian Empire. 1865. St. Petersburg. 1867. – P. 880.)
9. Польное собранные законов Российской империи. 1865. СПб. 1867. – С. 881. (Polish collected laws of the Russian Empire. 1865. St. Petersburg. 1867. – P. 881.)
10. Польное собранные законов Российской империи. 1865. СПб. 1867. – С. 881. (Polish collected laws of the Russian Empire. 1865. St. Petersburg. 1867. – P. 881.)
11. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 25-рўйхат, 26-иш, 8-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 25, case 26, sheet 8.)
12. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. /Соч. В. 9 томах. М.: Наука 1963. I.II Ч.1. – С. 353. (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan. /Op. V. 9 Tomomas. М.: Science 1963. I.II part 1. – P. 353.)

13. Духовский С.М. Всеподданнейшей доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерин Духовского //Ислам в Туркестана. Т.: 1899. – С.16. (Dukhovsky S.M. The all-depth report of the Turkestan Governor General General from Infanterin Dukhovsky // Islam in Turkestan. T.: 1899. – P.16.)
14. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. /Соч. В. 9 томах. М.: Наука 1963. I. II Ч.1. – С. 357. (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan. /Op. V. 9 Tomomas. M.: Science 1963. I. II part 1. – P. 357.)
15. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 7-рўйхат, 16-иш, 34-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 7, case 16, sheet 34.)
16. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. /Соч. В. 9 томах. М.: Наука 1963. I. II Ч.1. – С. 357. (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan. /Op. V. 9 Tomomas. M.: Science 1963. I. II part 1. – P. 357.)
17. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 7-рўйхат, 16-иш, 23-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 7, case 16, sheet 34.)
18. 1882 йилда Еттисув вилояти янги ташкил қилинган Дашт генерал-губернаторлигига ўтказилади. 1899 йилда Туркистон генерал-губернаторлигига қайта қўшилади. (In 1882, Ettisuv region was transferred to the newly established Dasht General Governorate. In 1899, he rejoined the Turkestan Governor General.)
19. Положение об управлении Семиреченской и Сырдарьинской области. 11 июль 1867 СПб, 1867. – С.1. (Regulation on the management of the Semirechenskaya and Syrdarya region. July 11, 1867 St. Petersburg, 1867. – P.1.)
20. Положение об управлении Семиреченской и Сырдарьинской области. 11 июль 1867 СПб, 1867. – С.2. (Regulation on the management of the Semirechenskaya and Syrdarya region. July 11, 1867 St. Petersburg, 1867. – P.2.)
21. Мил – миля (лотинча milia passum – қўш кадам) Эски рус узунлик ўлчови бирлиги. 1 миля 7.467 км (7467,6 м) халқаро бирликлар тизими СИга кирмаган узунлик ўлчов бирлиги. 1 эски рус миляси 4.038 денгиз миляси – 4.669 куруклик миляси./ ЎЗМЭ- 5-жилд. Т.:2003. 668-669 бетлар. (Mile - mile (Latin milia passum - double step) Old Russian unit of length measurement. 1 mile 7,467 km (7,467.6 m) is a non-SI unit of length. 1 old Russian mile is 4,038 sea miles - 4,669 land miles./ UzME- Volume 5. T.: 2003. Pages 668-669.)
22. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами в планами. Т.т1-3.-СПб., 1906. – С.266. (Terentyev M.A. The story of the conquest of Central Asia. With cards in plans. ТТ1-3.-spb., 1906. – P.266.)
23. Отчет состояний Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частек. Ч.1. Администранная. Управление краем: Ч.2. – Суд. Финансы. -СПБ.: Б.4, 1888. – С.8. (The report of the Turkestan Territory, compiled by a senator, secret adviser to Girs, sent to the revision of the region for the highest command. In 2 often. Part 1. Administrative. Office of the region: Part 2. - Court. Finance. -SPB: B.4, 1888. – P.8.)
24. Верст-верста қадимги рус узунлик ўлчов бирлиги. 1 верст – 500 сажен, яъни 1.066 км га тенг. / ЎЗМЭ- 2-жилд. Т.:2001. 435 бетлар. (Verst-versta is an old Russian unit of length. 1 verst is 500 sagens, which is equal to 1,066 km. / O'zME- Volume 2. T.: 2001. 435 pages.)
25. Отчет состояний Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частек. Ч.1. Администранная. Управление краем: Ч.2. – Суд. Финансы. -СПБ.: Б.4, 1888. – С.22. (The report of the Turkestan Territory, compiled by a senator, secret adviser to Girs, sent to the audit of the region for the highest command. In 2 often. Part 1. Administrative. Office of the region: Part 2. - Court. Finance. -SPB: B.4, 1888. – P.22.)
26. ЎЗР МА.И-1 жамғарма, 7-рўйхат, 16-иш, 15-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 7, case 16, sheet 15.)

27. ЎзР МА.И-276 жамғарма, 4-рўйхат, 18-иш, 2-варақ. (UzR NA.I-276 fund, list 4, case 18, sheet 2.)
28. Люди и порядки за Уралом// Азиатская Россия. В трех томах. СПб.: Изд. Переселенского управления Главного управления землеустройства и земледелия. 1914. – С.59. (People and orders for the Urals // Asian Russia. In three volumes. St. Petersburg: ed. Migrant Office of the Main Directorate of Land Management and Agriculture. 1914. – P. 59.)
29. ЎзР МА.И-1 жамғарма, 7-рўйхат, 16-иш, 16-варақ. (UzR NA.I-1 fund, list 7, case 16, sheet 16.)
30. Масальский В.И. Туркестанский край – СПб, 1913, - С.344. (Masalsky V.I. Turkestan Territory - St. Petersburg, 1913, p. 344.)
31. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором, гофменстером графом. К.К. Паленом. Высп. I-XVIII – СПб.: Б.И, 1910. – С.8. (Report on the revision of the Turkestan Territory, made at the highest command of the senator, Hoffkement Count. К.К. Palen. Solder. I-XVIII-St. Petersburg: B.I., 1910. – P. 8.)
32. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. С картами в планами. Т.т1-3.-СПб., 1906. – С.266. (Terentyev M.A. The story of the conquest of Central Asia. With cards in plans. ТТ1-3.-spb., 1906. – P.266.)
33. Отчет состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частек. Ч.1. Администранная. Управление краем: Ч.2. – Суд. Финансы. -СПБ.: Б.4, 1888. – С.4. (The state of the Turkestan Territory, compiled by a senator, secret adviser to Girs, sent to the audit of the region for the highest command. In 2 often. Part 1. Administrative. Office of the region: Part 2. - Court. Finance. -SPB: B.4, 1888. – P.4.)
34. Отчет состоянии Туркестанского края, составленный сенатором, тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частек. Ч.1. Администранная. Управление краем: Ч.2. – Суд. Финансы. -СПБ.: Б.4, 1888. – С.4. (The state of the Turkestan Territory, compiled by a senator, secret adviser Girs, sent to the audit of the region for the highest command. In 2 often. Part 1. Administrative. Office of the region: Part 2. – Court. Finance. -SPB: B.4, 1888. – P.4.)
35. ЎзР МА.И-1 жамғарма, 25-рўйхат, 31-иш, 3-варақ орқаси. (35. UzR MA.I-1 fund, list 25, case 31, back of sheet 3.)
36. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. -СПб., 1913. – С.315. (Terentyev M.A. The story of the conquest of Central Asia. -SPB., 1913. – P.315.)
37. Ўша жойда (In the same place).
38. М.Г.Черняевнинг Тошкентга етиб келгунича Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинча бажариш Абрамовга топширилган. (Abramov was entrusted with temporarily acting as the governor-general of Turkestan until M. G. Chernyaev arrived in Tashkent.)
39. “Туркестанский курьер” газетаси, 1915 год 25 июнь. ("Turkestansky Kurer" newspaper, June 25, 1915.)
40. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т: Шарқ. 2000, 182-183 – бетлар. (New history of Uzbekistan. Book 1. Turkestan during the colonial period of Tsarist Russia. – T: East. 2000, pp. 182-183.)
41. Отчет о состоянии Туркестанского края составленный сенатором, тайным Советником Гирсом командированным для левизкие края по висогайщяму повемнию В.И.Х частех Ч.И. Адменстиратси Управление краем; Ч.||- Суд. Финанси. – СПбб.И.1888. – С.8. (Report on the composition of the Turkestan Territory compiled by a senator, secret adviser to Girsi businessmen for the levis regions according to the leapshaft of V.I. Klostekh Ch.I. Admostirates of the regional management; Ch. ||- Court. Finances. -SPbb.I.1888. – P.8.)
42. Ўша жойда - С.1. (In the same place – P.1.)
43. Ўша жойда - С.4.(In the same place – P.4.)

44. Положение об управлении Туркестанского края. СПб.1886. – С.1 (Regulation on the Office of the Turkiston Territory. St. Petersburg 1886. – P.1)
45. Кипякина А.С.Блиев М.М. Дегоев В.В.Коавкази Срежня Азии во внешней политика России (во второй половине XVIII – 80 -годи XIXв/. М:Науки 1924. – С.289 (Kipyakina A.S. Bliiev M.M. Degoev V.V. Koavkazi Middle Asia in the foreign policy of Russia (the second half of the KhVIII - 80 years of the KhIKsv / . M: Nauki 1924. – P.289)
46. Телентьев М.А. История завоевания Средняя Азия.СПб 1906. – С.42 (Telentiev M.A. The history of the conquest of Central Asia. St. Petersburg 1906. – P.42)
47. Бартольд В.В. История культурный жизни Туркистана – Л:Изд. СССР,1927 – С.263 (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkistan - L: Ed. USSR, 1927 – P.263)
48. Бартольд В.В Кавказ Туркистан, Волга, Тифлис.1926. – С.8 (Bartold V.V. Caucasus Turkistan, Volga, Tiflis.1926. – P.8)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000